

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 18-sentabr №38 (4333)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст,
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.
Кучоқ-кучоқ гуллар терганим

Ва келтириб сенга берганим,
Кечагидай ҳамон эсимда.
Ҳар сония ҳар он эсимда,
Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

Ҳамид ОЛИМЖОН



Суратларда: илк китоблари «Ижод» фонди томонидан чоп этилган ёш истеъдодлар.

Аҳмад ТўРА ва Сарвар МАМБЕТОВ олган суратлар

БУЮКЛАРГА БЕШИК ШАҲАР

Куёш кўк тоқидан оға бошлаганига қарамай беаёв олов пуркайди.
Қалдирғоч аллақайлардан эсган илиқ шабадага қарама-қарши қанот
қоқади. Ҳаётбахш эпкиндан ҳузур-ҳаловат туйиб, қум зарраларини
қориштириб оқайтган бўтана ариқ қирғоғига омонат кўнади. Қора-
қизғиш бўйини чўзганча тумшугига бир томчи сув олиб яна учайди.
Бир жуфт беозор мусича эса сирли ва маҳобатли хонақоҳлар
пешайвонидаги соя-салқин равоқдан кўним топган. Улар онда-сонда
эринчоқлик билан кукулайди.

Аммо Қасри Орифонда иш қизғин. Гул-
зор ва арчалар билан ихоталанган, текис
қилиб тош терилган равон йўлакнинг икки
ёнидаги адоқсиз боғ-роғларда рўмоли
билан юзини қўйдан тўсиб олган қиз-
жувонлар фарқ пишган шафтолини олхўри-
ларни термоқда. Бошига белбоғини тан-
ғиб боғлаган йигитлар эса уларни совет-
гичли махсус машиналарга жойлаштири-
моқда. Кишлоқ адоғидаги ҳув янги, на-
мунали уйлاردан наридаги пахтазорда
ҳам, такрорий экин экилган майдонларда
ҳам, янги қурилаётган иншоотларда ҳам
ҳаёт қайнайди. Шундай отбоннинг қайноқ
тафтию қаҳратоннинг қор-қирови суяк-су-
якдан ўтадиган аёзи-да бухороликларни,
дашту биёбонлар қураб турган воҳа
аҳлини меҳнатдан тўтиб туролмайди...

Бухоро олиму уламоларга бешик мас-
кан сифатида ҳамisha қадрли. "Ҳеч эъти-
бор берганмисиз, — деган эди раҳматли
шоир, мутаржим, маънавият тарғиботчи-
си Садриддин Салим Бухорий хонадонид-
аги суҳбатларимизнинг бирида. — Нега

айрим кўхна қиёдадаги давлатлардаги
сингари Бухорода қалъаю кўрғонлар йўқ?
Уйлаб кўрсам, бундай мудофаа истеҳком-
лари ўрнига табаррук заминда илм-фан
ривожига пойдевор бўладиган масжиду
мадрасалар, шифо масканлари бунёд
этишга катта эътибор қаратилган экан. Бу-
нинг натижасида Бухоро ўзининг маъри-
фатли фарзандлари билан оламда шуҳ-
рат топган". Орадан йиллар ўтган бўлса-
да ориф инсоннинг бу сўзлари ҳамон
қулоғим остида жаранглайди.

Эл обод — дил обод

Давоми иккинчи саҳифада.



УМР ДАФТАРИДАН САБОҚЛАР



Атоқли адибларимиздан бизга мерос қолган кўплаб дур-
дона асарлар — роман ва қиссалар, шеър ва дostonлар ора-
сида унутилмас нузли хотираларни жамлаган китоблар ҳам
талайгина. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг "Сапо-
standart" нашриётида чоп этилган "Йўқотганларим ва топ-

ганларим" номли тўплами халқимиз ҳамisha ардоқлаб, эъзо-
лаб келаётган ўзбек адабиёти намояндалари, таниқли ижод-
корлар, уларнинг ҳам ёруғ, ҳам аламли-изтиробли қўнлари
ҳақида чин дилдан ҳикоя қилинган ёдномалардан таркиб топ-
ган. Ушбу китобнинг тўлдирилган қайта нашри муаллифи
Ҳусанжўраева Нодири Саидаҳмад қизи.

Устоз Саид Аҳмад адабиётимиз арбоблари
билан ҳамфикр, ҳамдард бўлган, анжуманлар-
да, сафарларда ёнма-ён юрган. Шу боис адиб
хотира-ҳикояларида бадий тўқмага эҳтиёж
сезмаган, ўзи синчковлик билан қўзатган, ҳис этган, қўнган,
ҳайратга тушган, қайғурган ҳолат-вазиятларни, воқеа-ҳодиса-
ларни фақат ўзигагина хос ростгўйлик, ўрни билан бир оз юмо-
ристик оҳангда ва, албатта, самимий йўсинда баён қилган.

Миллий адабиёт тарихини яратилиши илмий талаблари,
тартиб-қоидалари бўлади. "Йўқотганларим ва топганларим"
китоби "Адабиёт тарихи"дан жонли воқеаларнинг ҳис-ҳаяжон-
ли, эҳтиросли тасвир ва талқинлари билан фарқланади. Ун-
даги хотиралар бутун бир давр адабиётининг дарслик ва
қўлланмаларда умумий тарзда айтиладиган ички жараёнла-
ри ҳақида теран ва батафсил маълумот беради. Шу маънода

Устозлар ҳаёти

устоз адибнинг бу асарини ўтган аср ўзбек адабиётининг
ўзига хос тарихи, десак янглишмаймиз.

Китобнинг "Топганларим" деб номланган илк бобида Ой-
бек, Фахур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Мирте-
мир сингари устоз ва сафдошлари ҳақида муаллифнинг қайноқ
меҳр билан ёзган лавҳалари жамланган. Халқ эътиборига туш-
ган, устозларнинг шонли ижод йўлини давом эттирган Озод
Шарафиддинов, Неймат Аминов, Ўткир Хошимов, Тоғай Мурод
сингари таниқли олим ва адиблар ҳақида муаллиф чексиз

қувонч ва ифтихор билан ёзади. Унинг ҳамқа-
дам, ҳамкор ёзувчилар, айниқса, шоғирдлари
ижодидан туйган севинчи, меҳри, эътибор ва
эътирофлари билан китобнинг "Топганларим"

бобидаги ҳаётли лавҳаларда танишасиз.
Адиб бағрини ўртаган аламлар, бошидан кечирган гоҳ ёруғ,
гоҳ булутли кунлар, изтиробу меҳнат-машаққатлар билан
эришган бахт-икболнинг таъсирчан баёни ҳам китобхонлар-
да бой таассурот қолдириши тайин.

Устоз адибнинг бу хотиралар китоби ёшлар учун, айниқ-
са, ижод боғига кириб келаётган навқирон қаламкашлар
учун бадий сўз оламининг турфа сир-асроридан сабоқ бе-
радиган ўзига хос адабиёт дарслигидир. Бу китоб уларни
ёзишга, элга, юртга муносиб ёзувчи бўлишга, халқни севиш-
га, ростгўйлик ва самимийликка ўргатади.

КИТОБ — МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Саҳнада эртак бошланди. Ёвуз ўргимчак малика чигирткага дунёдаги жамики
китобларни йўқ қилишни ва шу билан болалар қалбидagi маънавиятни ўғирлашни
буюрди. Чигиртка маликанинг айтганини қилиб дунёдаги барча китобларни маликага
келтириб берди. Аммо биргина сеҳрли китобни тополмади. Сеҳрли китоб Оппоқойнинг
қўлида эди. Малика Оппоқойни, унинг билимли ва китобсевар дўстларини тутиб
келишни буюради... Ҳўш, ўргимчак малика ёвуз ниятини амалга ошира оладими?..

Пойтахтимизнинг Фахур Фулом номидаги мада-
ният ва истироҳат боғи ҳар доимгидан ҳам гав-
жум. Бу ерда "Соғлом ва маънавий етук авлод —
юрт келажаги" шиори остида "Болалар китоби" II
республика фестивали ўтказилмоқда. Ҳар қадам-
да турли номдаги китоблар жойлаштирилган рас-
таларга кўзингиз тушади. Юртимизда фаолият
юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа кор-
хоналари ўз китоблари билан қатнашаётган бу
тадбир нақ байрам тусини олгани бежиз эмас.

Айниқса, нашриётлар томонидан тар-
қатилаётган газета, журнал, китоблар-
ни талашиб-тортишаётган фарзандла-
римизни қўриб, уларнинг мутулаага
ташналигига яна бир қарра амин бўласиз.

Ана жажжи қизалоқ онасининг қўлидан тортқи-
лапти.

— Юринг, ойижон, анави ерда қизик китоблар
бор экан.

Мен қизалоқнинг онасини суҳбатга тортаман.
— Китоб байрами бўлишини эшитиб эрталаб-
дан етиб келганмиз, — дейди Камоланинг онаси
Зухра Умарова. — Болаларимнинг ҳар қайсига ўзи-
нинг ёқтирган китобларидан олиб бердим. Ўзим
ўқитувчиман. Кейинги сафар ўқувчиларимни ҳам

олиб келишга қарор қилдим. Китобларнинг кўпли-
гидан, хилма-хиллигидан одамнинг кўзи қувнай-
ди. Ҳар бир нашриёт расталари тепасига китоб
ҳақида ёзилган маъноли ҳикматлар ҳар бир ота-
она учун бир шiorга айланмоғи керак. "Боланинг
бир қўлига нон, бир қўлига китоб беринг". Қандай
ажойиб даъват. Ахир биз ота-оналар ўғил-қизла-
римизнинг фақатгина қорнини тўйгазишни ўйла-
масдан, қалбига маънавий озиқ бериб бориши-
миз ҳам керак. Бундай озиқни эса фақат китобдан
олиш мумкин.

— Жуда чиройли гап, — дейди
самарқандлик 67 ёшли Олмос ака Мар-
табоев суҳбатимизга қўшиларкан. —
"Нуроний" сихаттоҳида дам олаётган эдим. Тур-
муш ўртоғим Меҳригул аянгиз билан "Китоб бай-
рами" ҳақида эшитиб, тонгдаёқ бу ёққа йўл ол-
дик. Китобларнинг кўплигини қаранг. Тарихий ки-
тоблардан сотиб олдим. Уйимдаги кутубхонамга
яна янги китоблар қўшилидиган бўлди. Бундай
байрамларнинг тез-тез ўтказиб турилиши яхши-
да. Мана бу қизим айтганидек, ҳар ойлигимиздан
болаларга китоб совға қилардик. Китоб ўқиб кат-
та бўлган беш нафар фарзандимнинг барчаси
бугун олий маълумотли мутахассис. Китоб совға
қилиш оиламизда аънаанага айланган.

Аслида ушбу маънавий-маърифий тадбир-
ни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам халқ
маънавиятини, китобхонлик маданиятини юк-
салтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги му-
лоқотни кучайтириш, оилавий китоб ўқиш
анаъаналари тарғиб қилиш, ёшларни мил-
лий адабиётга, она-Ватанга юксак муҳаббат
ва садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш-
дан иборат.

Давоми олтинчи саҳифада.

Фестивал

БИЛДИРИШ

2015 йил 21 сентябр — душанба куни соат
11:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ба-
дий таржима: бугун ва эртага" мавзусида
давра суҳбати бўлади. Унда Бадий таржима
ижодий кенгашининг аъзолари, таниқли шоир
ва адиблар, ёш ижодкорлар иштирок этади.
Ёзувчи-шоирлар, журналистлар ва бадий
таржима билан шуғулланувчи барча қизиққан-
лар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

A watercolor illustration of a large, arched gateway (Darwaza) leading into a courtyard. The gateway is flanked by a wall with several small, arched windows. The courtyard is filled with lush greenery, including palm trees and flowering plants. A small figure of a person is visible near the entrance of the gateway.

Даниил Мамаев

Кутзее

Детство Инсуза

Литературная газета
«...книжка, которую
хотелось бы читать
и в детстве, и в зрелости»

АСТ

ДЕТСКАЯ
КНИГА

АНТОНИЯ С.
БАЙЕТТ

СЕРИЯ "ЗНАКОМСТВО С МИРОМ"
В 2-х томах

Инглиз адаббаси ва адабиётшуноси Антония Байетт (1936 й.т.) "Куш-соясин", "Богдагит қари қиз", "Ов" "Биограф тарихи", "Фаришталар ва ҳаётроҳатлар", "Қанд", "Матисс ҳақида ҳикоялар", "Табиат ифори" каби роман ва қиссалари, Айрис Мёрдок иккидиги доир тадқиқотлари билан машғур. Унинг синглиси Маргарет Дреббл ҳам таниқли ёзувчи. А.Байетт асарларида инглиз адабиёти анъаналари билан уйғунлашиб, тарихий ҳаққоний-яти билан акрабли туради. Адабиёт романи учун Букер мукофоти ва оратани ордени билан тақдирланган. Романида илгари сурилган юзларига кура, — ҳам детектив, ҳам адабиётшуносларига киритиш мумкин. Айни ҳолик ва гошлар романи сифатида ҳамар марказида икки йўналиш мавжуд: тарихан даврида яшовчи икки шoirи-зати, иккинчисида эса, ҳозирги замони ҳаёти тасвир этилади. Мазкур романиқ Европа тилларида ҳам чоп этилган.